



# СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

GAZETA 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 9 (18.187)

12 январь 1982 йил, сешанба

Баҳоси 3 тийин.

## СССР УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИ!

### ИЧКИ ХЎЖАЛИК СТАНДАРТИ САМАРАСИ

Косонсой районидagi «Кўкмиб» совхоз бундан беш-олти йил муқаддам геотарихдан 26 центнерга етказиб пахта еттиштирар эди. Утган беш йиллик охирига келиб эса ҳосилдорлик 32,7 центнерга етказилди. Беш йил ичда яппа пахта еттиштириш 2170 тоннага, дон — 840 тоннага, суг — 166 тоннага, гўш — 35 тоннага ўсди. Об-ҳаво нуқулга келган 1981 йилда ўтган йилдагидан 300 тонна кўп — 6500 тонна пахта еттиштирилди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортларга топширилди. 1980 йилда бир центнер пахта еттиштириш ва йиғштириб олиш учун 47 сўм 80 тиқин сарфланган бўлса, 1981 йилда 42 сўм 13 тиқин хариланди. Ҳар бир ишчининг моддий манфаатдорлиги ўсди. Бу роғи йили ҳар бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақи 2546 сўмини ташкил этган бўлса, ўтган йили 2615 сўмданга тўғри келди. Бу муваффақиятларга қандай эришилганини совхоз директори А. ВОҲИДОВ шарҳлайди.

Совхозимизда тўрт йил муқаддам меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг нардисиз системаси жорий этилган эди. Мавжуд барча пахтачилик бригадаларида ана шу усул кенг қўлланилмоқда. Шу йилнинг бошида область партия комитети ва Ўрта Осиё кишлоқ хўжалик ўқув-таълим институти Наманган филиали олимлари билан ҳамкорликда меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлашни таъминлаштириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ўрнатиш, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиладик. Бундай маҳсулотлар еттиштирилиши кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннариқини арзонлаштириш, меҳнат умумдорлигини ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширишди.

Специал йилда амалга оширилган барча ишлар устидан назоратни кучайтириш мақсадига совхознинг бош мухтаassisлари, илгор бригада ва эвено бошлиқлари билан биргаликда маҳсулот стандартлари ишлаб чиқилди. Пахтачиликда ер ҳайдашдан тортиб то ҳосил йиғиб-териб олингунгача бажариладиган ишларни 18 стандартга ажратдик. Унда ҳар бир бажариладиган иш тури юқори агротехника тадбирлари асосида балл билан баҳоланди. Стандартларнинг барча шартлари бажарилса 5 балл, иш бажарилиши бирорта кўрсаткичнинг тўла бажарилса 3 балл берилди. Стандарт талаблари бузилган тадбирда эса балл берилмади.

Ишни бажаришда юқори балл олган коллектив мукофот системасига киритилди. Балл олинмаса сифатсиз бажариладиган иш яппоки борича қайта адо этилади. Масалан, вегетация даврида сувчиларга сифатли меҳнат қилганлигини учун 4629 сўм қўшимча ҳақ берилди. Шу билан бирга бу ишда ҳато ва намчиликларга йўл қўйганлардан 2885 сўм ундириб олинди. Қўриқиб турилгани, бундай ички хўжалик стандартлари жорий этилиши туфайли ишчиларнинг ўз меҳнати сифати ва самардорлигига нисбатан масъулият ортляпти. Ҳўзаларни ҳўлаштириб ёки қўлаштириб сугоришига йўл қўйилмапти. Еттиштирилган пахта ҳосили сифатли қилиб териб олинши ва биринчи сортларга топширилиши таъминлангани учун совхоз 300 минг сўм қўшимча фойда курди.

Маъжур система ишлаб чиқариш ҳажминини янада ўстириш, сифатини яхшилаш ва маҳсулот бирлигига сарф-азаданиган харажатларни намайтириш, кишлоқ хўжалик меҳнаткашлари турмуши фаровонлигини ошириш билан боғлиқ технология, таълимий, иқтисодий, голий тарбиявий ва социал тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу системани ишлаб чиқиш ва қўллаш учун хўжаликда аввало инженер-технология, иқтисодий, голий тарбиявий ва социал гуруҳлар тузилди. Уларга умумий раҳбар-

лиқни совхоз маъмурияти етакчилигида координацион совет амалга оширади. Инженер-технология гуруҳи ишлаб чиқариш комплекс механизациялаш, химиялаштириш, ерларни, мелiorациялаш, ишлаб чиқариш воситаларидан рационал фойдаланиш тадбирларини жорий этиш, техника тарихини жорий этиш кенг жорий этиш ҳисобига шу йилнинг ўзига 2 урушчи пулгар билан ҳайдаланди. Ҳар майдонига 1,5 баравар, сабзавотчиликни механизациялаш 3,2 баравар, биология методдан фойдаланиш 2 баравар, ҳосилни йиғштириб олишни механизациялаш 10 баравар ошди. Ҳар бир гуруҳга амалга ошириш лозим бўлган ишларнинг тўла ва сифатли бажарилишини таъминлади.

Ана шундай тадбирлар амалга оширилши туфайли совхозимиз 1981 йилда пахтачиликнинг ўзидан ўтган йилдагидан 402 минг сўм кўп — 3 миллион 386 минг сўм даромад олди. Рентабеллик 43 процентни ташкил этди, 1 миллион 181 минг сўм фойда олинди.

Стандартлаштириш ва меҳнатни ташкил этиш ҳамда ҳақ тўлашнинг нардисиз системасини қўллашнинг туфайли ёнлиги-моёлаш материаллари ва хом ашёларини қўллаб тежаб қилиш имкони туғилди. Утган йили 16383 сўмлик ёнлиги-моёлаш, 21050 сўмлик эҳтиёт қисмлар тежаб қилинди. Ём-ҳашакни расамади билан сарфлаш туфайли 4300 сўмлик оуқа иқтидор қилинди. 1981 йилда совхоз бейица жами 63233 сўмлик маҳсулотлар тежабди. Совхозда чорвачилик ва кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ички хўжалик стандартлари муваффақият-ли қўлланилмоқда.

Ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлигини ҳам кескин ўсди. Утган йили Нишонбой Дадамирзаев бошлиқ эвено ҳар гектар майдондан 50 центнер хирмон кўтарди. Бригададаги ҳар бир ишчининг ўртача даромади уч минг сўмини ташкил этди. Бу, бу роғи йилдагига нисбатан 300 сўм кўпдир. Турднали Долев, Уринбой Мамаюсупов, Ҳамидулла Обидов, Жўрабой Содиқов бошлиқ бригада ва эвеноларда ҳам пахтадан мўл ҳосил еттиштирилиб, ишчиларнинг даромади юқори бўлди.

Совхозимизда 1982 йилда ҳам ички хўжалик стандартларини кенг қўллаш жорий этиш ва янада таъминлаштириш орқали ҳосилдорликни янада ўстириш, фақат пахтачиликдан намида 5 миллион сўмдан зиёд даромад олишни кўзгаланимиз.

СССР ташкил топган кунининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат туҳфалари билан қаршилашга аҳд қилган ишчиларимиз айни кунларда қилгани тадбирларнинг сифатли амалга ошириш учун ўзаро социалнинг муносақани кенг аяқ олдириш ҳолда меҳнат қиллялар.

• «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта»нинг ўнинчи ҳафталиги бошланди. У автоном республикалар, область ва округларга бағишланади.

• Республикамиз меҳнаткашлари бу ҳафталикда ҳам зарбдор суръатлар билан ишлаб, партия XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар.

### ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ШИЖОАТ

Кеча республикаимизда «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта»нинг ўнинчи ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталик автоном республикалар, область ва округларга бағишланади. Серкўш республикаимиз меҳнаткашлари бу ҳафталикда баракали меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, коммунистик меҳнат зарбдор, «Парнартводстрой» трестининг Қизилғандидаги итти-сослаштирилган қўшма механизациялашган колоннаси пардозлар коллежес Бригадаси бошлиғи Илос Абдерманов кўчликка ибрат бўлмоқда. Унинг бригадаси Қизилғандидаги энг тежасдан бригадалардан биридир. Коллектив шу кунларда юбилей йили зарбдор меҳнат ватасида туриб, катта ютуқларини қўлга киритмоқда. Улар автоном республикалар, область ва округларга бағишланган ҳафталикда ҳам юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишга аҳд қилишган.

Шу кунларда Нукус шаҳрида қурилёвтурган темир-бетон буюмлари заводи кўрғилиш зарбдор суръатлар билан олиб бо-

рилмоқда. Қурувчилар ва монтажчилар иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиб, суръатга-суръат қўшмоқдалар. Юбилей йилида ишга туширилмаган бу корхона диаметри 400 миллиметрдан 1500 миллиметргача бўлган трубалар тайёрлайди. Бу ерда кўрпик балкалари, плиталар, дивор панеллари тайёрланади. Бу маҳсулотларнинг барчаси Қораканпогонот Автоном Совет Социалистик Республикасининг кўрпик ерларини бир маромада ўзлаштиришга хизмат қилади. Бу завод ҳар йили 100 минг кубометрдан темир-бетон буюмлари тайёрлайди.

Завод қурилишида кўплаб бошқа бригадалар қатори заводиимиз Илос Абдерманов бригадаси ҳам ибрат кўрсатиб ишламоқда. Бригаданин К. Қобдалов, О. Урозбоев, О. Сарсенбоев, Б. Жўлдубоев сизмига аъзолари ўз план-топшириқларини ортинг билан урдаламоқдалар. Суръатда нешеқадм бригада бошлиғи Илос Абдерманов.

В. Казанцев фотоси. (ЎЗАТАГ).

## МАШИНАСОЗЛАР АҲДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХИМИЯ МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1982 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Завод ишчилари, инженер-техника ходимлари ва хизматчилари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносаб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани кенг аяқ олдириб, «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» широри остида зарбдор вахтага турдилар ва ўз эзмаларига 1982 йил учун қўйилган социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар:

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат умумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади.

Химия саноати учун серуиум, асбоб-ускуналарнинг олтига янги намунасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. «Улкан химия»нинг ишга туширилган барча қурилишлари 1982 йилнинг биринчи квартал давомида ва белгиланган номини қилтурада машина-ускуналар билан таъминланади.

Илгор конструкторлик ечимларини кенг қўлланиш, технология жараёнининг тақомиллаштириш, хом ашё, материал, меҳнат харажатларининг илгор нормативларини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқари-

ладиган маҳсулот таннариқини 1981 йилдагига нисбатан 0,5 процент арзонлаштирилади, пландан ташқари 55 минг сўмлик фойда олинади.

Турбомашиналарни ишлаб ва уларни йиғиш борасидаги ёлпик поток технология учас-калари ташкил этилиб, техника меҳнатдан қайта қурилдирилади, рақомли программа билан бошқариладиган 14 та станок ўрнатилади ва ана шундай станокларда турбомашиналарнинг 20 дан ортик деталларига ишлов бериш дўшмича равишда ўзлаштирилади, пайвандлаш ишларини автоматлаштириш даражаси 75 процентга етказилди.

Пайвандлаш чоклари сифати баҳо бериш системасида ва химия асбоб-ускуналари апаратурани конструкцияларини ҳисоблаш ишлаб чиқаришнинг автомат бошқаруш системаси бундан бундан қўлланилверади. Ишлаб чиқари-

ладиган маҳсулот сифатини комплекс бошқаруш системасини жорий этиш ҳисобига давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот тайёрлаш ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 47 процентига етказилди.

Меҳнатни ташкил этиш ва рабаблантиришнинг бригада формаси янада ривожлантирилади, ишчилар умумий сонини кайда 50 процент меҳнатни ташкил этишнинг илгор формаси асосида иш билан таъминланади.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш ноубудгарчилигини кўпайтириш йўли билан 600 минг киловаттсост электр энергия; 1,4 минг тигакалория иссиқлик энергияси, 400 тонна шартли ақилги, 800 тонна қора металл прокат, жумладан 120 тонна зангламайдиган пўлат иқтисод қилмади.

Рационализаторлик талғилари ва иxtиородчилик ишларини жорий этишдан ҳар йили 27 минг сўмлик шартли иқти-

содий самара олинади. 130 янги ишчи тайёрланади, 240 дан ортик ишчи ҳамда 100 нафар инженер-техника ходим ва хизматчиларнинг малакеси оширилади, 300 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Ходимларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат широнлари янада яхшиланади.

Заводнинг ердамчи хўжалигидаги мўлжалар 1300 бошга етказилади ва ходимларга 40 тонна гўшт сотилади.

Николаева-Терешкова номи ва «Ленинград» колхозларига оталик ердами бериш дивом этирилади.

Бизлар барча машинасозларни 1982 йилга ва умуман ўн биринчи беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани янада кенг аяқ олдиришга. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кунининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга қаҳирамиз.

Социалистик мажбуриятлар завод партия хўжалик ишларининг янгилишда мўлжалга этилиб, қабул қилинган.

## Ўртоқ Динмуҳаммад Аҳмедович КУНАЕВга

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбобини, етмиш йиллигини кунда қизғин муборакбод етдилар.

Азиз дўстимиз Динмуҳаммад Аҳмедович, Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва совет халқи бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунизм таянганас йўлида бундан бундан ҳам самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЯ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, ҚОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УРТОҚ Д. А. КУНАЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА УЧИНЧИ «ЎРТОҚ ВА БОЛГА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Республика коммунистлари ва барча меҳнаткашларини партиянинг халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш, дон ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштириши барқарор ўстирилиши таъминлашга доир қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасида Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Динмуҳаммад Аҳмедович Куняев Ленин ордени ҳамда учинчи «Ўртоқ ва Болга» олтин медали билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. ВРЕЖНЕВ СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ Москва, Кремль. 1982 йил 11 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

САМАРҚАНД ОБЛАСТ, БУЛУНҒУР РАЙОНИДАГИ «БУЛУНҒУР» БОҒДОРЧИЛИК-УЗУМЧИЛИК СОВХОЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштириш ва давлатга сотиш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун ва ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Самарқанд область, Булуңғур районидagi «булуңғур» боғдорчилик-узумчилик совхозини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУҲАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1982 йил 11 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Кўп йиллик самарали ишлари, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва Самарқанд область Булуңғур районидagi «булуңғур» боғдорчилик-узумчилик совхозини ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан совхознинг бош инженери ўртоқ Ионас Давидович Перца «Ўзбекистон ССР» да хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик механизатори, совхоз бўлимининг бошқарувчиси ўртоқ Абдор Тўйчиевга «Ўзбекистон ССР» да хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими Фахрий унвон берилди.

Самарқанд область, Булуңғур районидagi «булуңғур» боғдорчилик-узумчилик совхозининг алоҳида ўртак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳпаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

Ўзбекистон МЕҲМОНЛАРИ

Совет Иттифоқидa меҳмон бўлиб турган Англия тинчлик севар ташкилотлари ва урушга қарши ҳаракатлар вакилларининг таниқли жамоат арбоби Уильям Бартон бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар Тошкент диққатга севар жойларини кўздан кечирдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, республика Фанлар академиясини бориб кўрдилар, чет мамлакатлар билан маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг ақвалари билан учрашдилар.

11 январь кунини Англия тинчлик тарофдорлари делегациясининг аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Советида қабул қилдилар. (ЎЗАТАГ).

### БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети қурилиш ва монтаж ташкилотлари социалистик мусобақасининг 1981 йил декабрь ойидаги аяқларини чиқардилар.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва маҳсулот қурилиш ишлари министрининг «Узэлектромонтаж» маҳсулот трестига қарашли Олмалик монтаж бошқармасининг коллективи (бошлиғи ўртоқ Дятлов, партия ташкилот секретари ўртоқ Комитова, касабасоюз қурилиш комитети раиси ўртоқ Самуфалов, комсомол ташкилот секретари ўртоқ Зобова) В. И. Ленин номи Олмалик кон-металлургия комбинати объектлари қурилишининг маддаллаштиришдаги мусобақа галиби деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Совети ва Ўзбекистон касабасоюзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан пул мукофоти берилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва маҳсулот қурилиш ишлари министрининг 93-маҳсулот трестига қарашли Олмалик кон-металлургия комбинати объектлари қурилишида 1981 йил декабрь ойидаги аяқ иши қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва маҳсулот қурилиш ишлари министрининг «Узэлектромонтаж» трестига қарашли Бекобод «Металлургомонтаж» монтаж бошқармаси коллективи (бошлиғи ўртоқ Пругов, партия ташкилот секретари ўртоқ Фаридонова, касабасоюз қурилиш комитети раиси ўртоқ Чуборов, комсомол ташкилот секретари ўртоқ Тертицкий) В. И. Ленин номи Олмалик кон-металлургия заводи объектлари қурилишининг маддаллаштиришдаги социалистик мусобақанин декабрь ойидаги аяқ ишларига кўра галиби деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касабасоюзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан пул мукофоти берилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва маҳсулот қурилиш ишлари министрининг 93-маҳсулот трестига қарашли Чирчиқ «Промтехмонтаж» монтаж бошқармасининг коллективи (бошлиғи ўртоқ Великанов, партия ташкилот секретари ўртоқ Золотарев, касабасоюз қурилиш комитети раиси ўртоқ Ченцов, комсомол комитети секретари ўртоқ Цвелодуб) Чирчиқ «Электрпромпром» ишлаб чиқариш бриллисида аммиак ишлаб чиқарган корхона объектлари қурилишининг маддаллаштиришдаги социалистик мусобақада галиби деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касабасоюзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан пул мукофоти берилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва маҳсулот қурилиш ишлари министрининг «Узэлектромонтаж» трестига қарашли Чирчиқ монтаж бошқармаси коллективининг аммиак ишлаб чиқариш корхонаси объектлари қурилишида декабрь ойида аяқ ишларининг қайд этиб ўтилди.

### ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ХАЛҚАРО НОРМАЛАРИН ЯЎЛ ҚУЙИБ БЎЛМАЙДИГАН ТАРЗДА БЎЗМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гас Холл АҚШ маъмуриятининг Польша ички ишларига аралашувини неслин қоралаб чиқди.

«Рейган маъмуриятининг давлатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро нормаларни йўл қуйиб бўлмайди» тарзда мана шундай бузилиш АҚШ ҳукумати фаолиятининг одат тусига кириб қолган намунаси, деди Совет Иттифоқини аралашинида ёлғондан айбоб социалистик мамлакатларнинг ички ишларига ўзининг аралашувини ниқоблаш йўлидаги аниқлиқларча уришнинг «испидиди». — дейилди Гас Холлининг «Дейли уорлд» газетасида эълон қилинган баёнида.

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ҚАЙТА ТИКЛАНСИН

НЬЮ-ЙОРК. «Халқаро муносабатларда кескинликни юмшатишни қайта тиклаш, яназоли проблемаларни тинч ҳал этишга қўлмалашидиган муҳитни вужудга келтириш» — ҳозир БМТ олдига турган энг муҳим проблемадир, деди БМТ Бош секретари Х. Перес де Куялар.

Х. Перес де Куялар СССР билан Қўшма Штатлар олий раҳбарлари ўртасида мулоқот ўтказилишини ёқлаб гапирди ва бундай мулоқот дунёдаги кескинликни намайтиришга қўлмалашиди, деб уқтирди.





# МУҚАДДАС ШИОР

Хар икки йилда ўтказилаётган халқаро Тошкент кинофестивали ҳақида фақат фахр билан гапириш керак. Кинофорум тўғрисида жакон халқлари ўртасидаги дўстлик янада чуқурроқ илди зомқда, маданият ходимларининг ўзaro ижодий алоқа ва ҳамкорликлари тобора мустақимлаштириб, Шуниси кувончлики, кейинги йилларда тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озолиги учун кураш ишига хизмат қиладиган картиналар кескин кўйлади. Бундай асарларни кинематографияси анча тараққий этган, қолверса, фильмлари билан бутун жаҳондо донг таратган Осиё мамлакатларида ҳам, кино маданияти яқиндагина тараққий эта бош-

лаган, аммо ҳозирги кунда дадил қадамлар билан олға бораётган курашчан Африка мамлакатларида ҳам, Тошкент фестивалида оригинал фильмлари билан иштирок этаётган Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам кўришимиз мумкин. Ана шу мамлакатлар киномчили билан сўбатлашганимизда улар шахримизда ўтказилган бу халқаро анжуманининг аҳамиятини тўлиқ-толиқ гапирдилар, фестивал ўзлари ишлаётган киностудиялар махсулотлари савиясининг янада юксак бўлишида муҳим роль ўйнаётганини, энг муҳими, эзулик шиори остида хизмат қиладиган картиналарнинг кўпайиб бораётгани-

лигини алоҳида таъкидлайдилар. Хорижий мамлакатлар кинематографияси ана шунинг учун ҳам хурсандлар-ки, Тошкент фестивали улар учун ўзига хос ижодий мактаб, маҳорат дорилфунуни вази-финини ўтаётди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу ерга ташриф буюрадиган ижодкорлар орасида оригинал ва баёқдор ижоди билан бутун дунё кинематографиясида юксак ўринларга кўтарилган режиссёрлар бор. Уларнинг кўпларини ўзбекистонлик мухлислар яхши билишади. Бу санъаткорлар ҳам фестивалда кейинги йилларда суратга олган картиналари билан аниқ қатнаша-тир. Конкрет мисол сифатида

Рахмат Раҳимов оилалиги. Унинг Тошкент фестивалида намойиш этилган фильмлари халқаро кинофорумда шухрат қозонди. Муҳими шундаки, бу улус санъаткорининг режиссу-раси, аниматори, режиссёрлик тажрибаси жуда кўп режис-торларнинг ишда ерқин кўрина-тир. Устоз санъаткорнинг ижо-ди ҳамма вақт мактаб бўлиб қолишига ишонамиз. Тошкент кинофестивалининг тарихий аҳамияти, моҳияти, обрў-этибори биринчи нав-батда унинг «тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озолиги-ги учун» шиори билан белги-ланади. Ҳа, фестивалининг ши-ори муқаддас! Бундай шиор остида ўтадиган кинофести-валда қатнашиш, унинг руҳига



яилда ташриф буюрадиган кинематографиячилар орасида яқин дўстларим бор. Уларни ҳам-ма вақт интизорлик билан кутаман. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўти-шим истардим. Гап шундаки, Тошкент фестивали уч қитъа хужжатли киносига ранг-бар-ранг темалар соғга қилаётди. Бу яратилган картиналар илгор фикрли санъаткорлар дўстлиги ва ўзаро ижодий алоқаларининг тарих саҳифа-ларида муҳрлаши билан қим-матлидир. Жаҳон санъаткор-лари ўртасидаги дўстлик яна-да мустақимлаштирилди. Бу дўстлигини экранда тасвирло-сик картиналар кўлаверсин. Бундай улус ишда Тошкент фестивалига янги зафарлар тилаймиз. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озолиги учун» кураш ишига хизмат қилган муқаддас Фестивал, шахри-мига марҳабо!

Йўлдош АЪЗАМОВ, СССР халқ артисти.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

#### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**  
МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Фильм-концерт. 10.55 — Хужжатли фильм. 11.10 — Тургайлар. Вадий фильм. 12.25 — Концерт. 12.35 ва 13.00 — Янгилликлар. 15.20 — Хуж-жатли фильм. 15.40 — Ж. Салфит. Ҳаёти ва ижоди. 16.40 — Биз — совет халқи. 17.30 — Ўшлар адраслари. 18.30 — Фан олимпиада. 19.00 — Кунонч ноталар. 19.15 — Дунё во-қеалари. 19.30 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳайрат! 20.00 — Бахорнинг ўн етти лаҳзаси. Вадий фильм. 1-се-рия. 21.30 — Время. 22.05 — Фигуралн учш бўйича СССР чемпионати. 23.35 — Дунё во-қеалари.

**ТОШКЕНТ-I.** 18.05 — Мулт-фильм. 18.10 — Суз кетилди суз келар. 18.30 — Жондон ўлка. 19.00 — Янги Англи ГРЭСи. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Шерият билан учрашу. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Фильм-концерт. 21.30 — Вре-мя. 22.05 — Чорвачилик — зарбор фронт. 22.25 — Улг-бек хазинаси. Телевтр. 22.55 — Ҷисм.

**ТОШКЕНТ-II.** 18.10 — Эсте-тия асослари. 18.50 — Теле-фильм. 19.00 — Физика. 20.00 — Лигишлар. 20.20 — Биология. 21.00 — Меҳнат интнзони — илчи вилдони. 21.30 — Москва-II.

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

### АХИЛЛИК

### БЎЛГАН ЖОЙДА

Бу аёлининг бошига қандай ташвиш тушганидан район марказида яшовчи кишилар хабардор. Ҳамма унга ачиниб юрарди. «Бенора она, энди исзет-икром қилиб ашаман, деган лайдда фарзандлари ноқўрлик қилиб ўтирибди деб аччишардию, аммо иложисиз эдилар. Қани энди фарзандларинг ўша тош қал-би мумкид эриб ўз оналари-ни қайта бағирларига олишса. Йўқ, улар бундай қилишсади, онани кўчада ёлғиз қолдириш-ди.

Нағай райондаги медицина-санитария бирлашмасида фар-рош бўлиб ишларди. — Бизникида яшай қолинг, — деди кўпларинг бирда унга шу бирлашмада врач-физиклар бўлиб ишлаган Кабир Олижонов. У воқеани ашитган. Нағайни уйига олиб кетди. Шу-шу қорёси аёли ўз-бек оиласига она бўлиб қол-ди.

Бундан бир неча йил илгари ушбу медицина-санитария бирлашмасида районда «галла-ди жойлардан бири салалар-ди. Област ва район ташки-лотларига шу ердан тез-тез шикоят хатлари тушар, акса-рия, уларнинг кўпчилиги ил-золар бўлимади. Ўтказилган текширишлар эса бирлашмада маънавий муҳит издан чик-қанлиги, маҳалат интизомни йўлга қўйилмаганини ҳақи-да гапирларди.

Тажрибали мутахассис Аб-дуллажон Хожинбарова бир-лашмага раҳбар бўлиб келган, коллективда ўзгаришлар юз бера бошлади. Аввало меҳнат интизоми мустақимлашилди, ўз бурчида масъулиятлилик бил-ан қарайдиган ходимларга нисбатан қатъий чоралар кў-рилди. Майда гап, илгозорлик билан кун ўтказадиган, ўзгаларнинг ютуқларини кў-ролмайдиган кишилар тартиб-га чиқрилди. Натияжада кол-лективда соғлом муҳит ву-

жудга келиб, меҳнат мароми яшилди.

Комсомолобод райони кў-рик район. Бу ерга чўлини ўз-лаштириш учун турли касб кишилари республикамизнинг ҳамма томондан келишган. Улар орасида медицина хо-димлари — инсон саломатли-гининг жонқурлари ҳам бор.

Район медицина-санитария бирлашмасида ҳам турли жой-лардан келган кишилар иш-лайди. Уларнинг намунали ме-ҳнат коллективига айлантириш учун кўпгина ташкилий-тарбия-вий ишлар амалга оширилди. Бу ерда Азияжон Холматов, Кабиржон Олижонов ва Би-бинур Зайнулова сингари энг яхши медицина ходимлари иш-лашади. Бирлашманинг Со-ния Раҳматова, Александр Фролова, Тошўлат Бойқоқов сингари савоатли шифокорла-ри борки, коллектив улар бил-ан фахрланади. Коллектив — тарбиячи, унинг бағри кенг. Бунн шу коллективдан меҳр-оқибат кўрган Нағай мисоли-да ҳам кўриш мумкин.

Қ. СОБИРОВ, Комсомолобод райони.

### ҚАЛБГА

### ЯҚИН ОЛИБ...

Ширин сўзлик, дилқаш муо-мала минг даргда дармон бу-лади, дейишади. Абдухалил ота ҳам шу ашга этиб бу гапнинг маънига энди-энди ет-гайди, қадр қимматини топ-гандай бўлди. Ушам кунинг тоби қочиб ердага муҳтом бўлгани учун чопонига ўра-либ район касалхонасига ке-таётганда Кўронтела районин-га етганда аэробни оқирлашди, илчор ишанидан тушиб, қўш-ни район касалхонасига — бе-катдан сал наридаги шифо-канага боришга мажбур бўлди.

Тушлик пайти бўлгани учун-ми касалхонада техник ходим Жаннатхон опа Қодировадан бўлак кичи кўришмади.

— Келинг ота, хизмат, — деб қария истикболига чик-ди опа.

— Э, қизим маэам қочиб касалхонага кетотганди, — деб тал бошлади ота баэур.

У Жаннатхон опа тутган пи-ладаги чойдан хўллаб ана деди: — Узоққа боришга кў-зим етмай шу ёққа келавер-дим.

— Жуда яхши қилибсиз. Мен ҳозир докторларни чақи-раман, — опа беморга «сиз бизнинг касалхонага қарамай-сиз» демади, аксинча унга илч муомала қилиб, навбат-чи врач Аскаржон Сатторовни чақирди-ди, уни воқеадан ха-бардор қилди.

Шифокорлар кўшни Жало-қудук район марказий касал-хонасига телефон қилиб Аб-духалил отанинг касаллик ва-рақасини аниқлашди, кейин элди дорн-дармон қилишди-ди, уни катта йўлгача кузатиб чиқилди.

Бундай воқеалар ҳаётда кў-за еринмайгандек бўлиб туюлиши мумкин. Аммо чу-қурроқ ўйлаб қараса, одам-лар ўртасида меҳр-оқибат, қадр-қиммат мустақим илди отанлигидан далолат беради. Ширин сўзи, ерданини бемор-лардан аямалдиган шифокор-лар Кўронтела район касал-хонасига кўллаб топилади. Узоққа бормай терапия бўли-мади ишлайдиган Жаннатхон опани олиб кўрайлик. Унинг касби оддий: техник ходим. Ўз вазифини ҳалоллик бил-ан бажариб келаётганлиги учун ҳам унинг сурати «Хур-мат тахтасидан тушмайди.

Ж. Қодиров ишлайдиган ана шу бўлима малакали шиф-окор Акрамжон Хайдаров бошчилик қилади. Бўлими му-дирдан тортиб оддий ҳам-шунликл билан муомала қи-лишади. Яқинда бўлим адрес-сига шу ерда даялован кет-ган избосқилик И. Юсуповдан кел келди. У ўз хатида Кўр-онтелага меҳмонга боргани-да бирдан қон босими кўта-рилиб, хушидан кетганини, шунда район касалхонасига олиб келишганига, шифокор-лардан А. Хайдаров, А. Аска-ров, медицина ходимларидан М. Мамадалиева ҳамда А. Ботираевлар унинг соғайиб кетиши учун бор имкониетини ишга солганликларини ёзган эди.

Инсончилик, бошқалар дар-дига малкам қўйиб, умрга умр қўйиш олижаноб иш. Бу вазифини сдиқлидан эво-даэтайган шифокорларга қал-бдан раҳмат айтилгига келаяди.

С. РИЗАМТОВ.



Хоразм областидаги Қурбон Исмомов номдаги кутубхона гавжум жойлардан биридир. Бу ерда 370 минг сўмлик китоб фонди мавжуд. 12 минг киши бу ердан китоблар олади. Су-ратда: Қ. Султонова билан М. Умарова лиги китоблар та-нашимоқдалар. А. Тўраев фотоси.

### КОРРОЗИЯ «КУШАНДАСИ»

Мутахассислар А. И. Воей-ков номдаги бош геофизик обсерваторияда яратилган при-борнинг иқтисодий самардор-лигини бутун бир металлургия заводининг махсулотига тенг-лаштиримоқдалар. Прибор ма-шина ва механизмларнинг мо-тадил деталларига ўтириб, улар-ни санг билан емирадиган ат-мосфера ёрилларининг қатлам қалинлигини ва «емирувчанли-гини» голта анди ўлчашга им-кон беради.

### БИРОВГА ҚАЗИСА ЧОҲ...

Шайтон борми, йўқми — бу бир муаммо, Шунчаки ҳаёли, қадим ақва. Ва лекин, аммо — Афсуски, шу замонда бир шайтон-ки бор. Ута бадиридур. Ҳикояси ана ўша ҳақида. Тарих тарозиси, замона заъли — Шайтон Инсон билан ашарди қўшни. Ҳеч яшаш томони йўқ-ку бу ишинг, Чекинга тўзса лек чекинама, майли. Гал бор — қиёмат кун қўшиндан, деган. Тинч-тотуа яшашга нима ҳам етсин! Кимки яхшиликни дилдан қўзларкан, Емилонлик дейди: «Йўқолсин, битсин! Шу заъл йўларди, ашарди Инсон, Меҳнат билан домм бабариб кўли. Соф бўлса вилдону ўзтиқдор-имон, Пешона ярқираб, ёруғдир йўли. Шайтон-чи! Шайтон-да! Фикри-ўянда Ҳаммиса ҳасаду, фирибу иғво. Инсонни кўргани йўқ эди кўзи, Кеч-кундузди Тўғридан турли хил найранг гава, Уни тўри йўлдан тўсмоқ кўянда, Гоҳ ундоқ деб кўрди, гоҳида бундоқ, Лекин ўзи кулар — ким қазиса чоҳ!

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ.

### КОНКУРС ГОЛИБЛАРИ

Кишлоқ аҳоли пунктларини қайта қуриш ва ободонлашти-ришни ахшиллаш бўйича Хо-разм, Бухоро, Жиззах, Анди-жон, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Наманган ва Самарқанд областлари-нинг бир қатор район ва кол-хоз посёлкалари текширил-ди. Улар Бутунитирик кўри-лик-конкурс юрисдининг қар-орига кўра СССР Бутунити-рик халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмидаги Фахрий дипло-микни, кўргазмидаги Биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлари ҳамда ёрилларин-чи олишга сазовор бўдилар.

### БИР СЎМГА — «ЗАПОРОЖЕЦ»

Тошкент давлат консерва-торияси халқ чолу асбобла-

### АХБОРОТ

ри факультетининг иккинчи курс студенти Мурод Норқў-зиёнинг «Спирит» лотереяси-га «Запорожец-678М» маркаи-ли автомобиль ютуғи чиқди. Жа-лолқудул райолик Муроджон-нинг омади ҳақидаги бу хуш-хабар унинг оила аэзоларини ҳам чексиз қувонтирди.

### ХУШХАБАРЛАР ЭЛЧИСИ

Қамбарали ота Аскарлов 30 йилдирик, Наманган шаҳар марказий алоқа бўлимида почтани бўлиб ишлайди. Ша-

ҳарининг Пушкин, Карл Маркс, Октябрь кўчаларидаги хоно-донларга газета-журналлар, кўп болали оналар билан по-стиционерларга эса нағфақ ула-тирилади. Партия ва ҳукумати-миз почтачининг қалол меҳ-натларини қадрлаб, бир неча бор тақдирлади. Аскарлов эса эл-юрти ишончини оқлаб, са-дақат билан меҳнат қилмоқда.

### БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Оқдарё райондаги «Дах-беда» совхозини ишчилари Очил-тош Хайитова билан Тўхта

Мирзаев оиласида қувончли воқеа рўй берди. Очилтош бир йўла уч фарзанд кўрди. Кишлоқларига Фотима, Зу-ра ва Зилола деб исм қўйди-лар. Бу билан оиладаги фар-зандлар сонн тўққизга бўлди. Очилтош билан Тўхта ақли-қушли ўғил-қизларни воғга етказиб биран бирга колхоз ишлаб чиқаришида ҳам феол иштирок этмоқдалар. Хайито-ва ҳар йили бир ярим, икки кунти илпк қурти боқиб, ун-дан 80—90 килограммдан юқори сифатли илпк топшир-моқда. Умр йўлоши Т. Мир-заев эса тракторчи. Бу ақил оила меҳнатлари совхоз томо-нидан муносиб қадрланиб, «Запорожец» энгл автомаши-неси билан тақдирланди.

Т. ШОМИРЗАЕВ.

### СПОРТ

### ТЎПЛАР, ЎРИНЛАР, ОЧКОЛАР

↓ СУВ ТЎПИ. Бону ва Минск шаҳарларида эркаклар олий лига: командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг даст-лабни тур ўйинлари йиқулган-ди. Минскада куч синишган Тошкентнинг «Меҳнат» коман-даси ҳозирча икки очко бил-ан кинфоланди. Ватерполчи-ларнинг бешта учрашуи ўтқа-зиб, фақат Минск армиячилар-идан 10:9 ҳисобида устун ке-лишди.

↓ ФУТБОЛ. Москвада халқ-аро футбол федерациясининг биринчи вице-президенти В. Гранатини хотираси соврини учун ўтказилаётган турнир да-вом этмоқда. Олти команда ўртасида учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди: СССР-1 — Италия 4:0, СССР-2 — Болгария 3:1, ГФР — Бразилия — 1:1. Ҳозир Бразилия ҳамда СССР тере-ма командаларида тўрттадан очко тулпанди. ГФР футболчилари ҳисобида учта очко бор. Бу-ғун турнир иштирокчилари ўртасида назабатдаги учрашу-лар ўтказилди.

↓ ЧИМ ХОКНЕЙ. Бомбеда ўтказилаётган жаҳон чемпио-нати йиқуланди деб қолди. Ҳал қилувчи бахслардан кейин 1—2 ўринлар учун курашувчи ко-мандалар аниқланди. Бу са-фар Покистон ва ГФР тере-

ма командалари сўнги финал уч-рашувида майдонга тушадиган бўлишди. Австралия — Голландия терема командалари 3:4 ўринлар учун ўзаро курашадиган 5:8 ўринлар учун бахсла-шаётган совет хонейчилари эса Польша командаларидан 1:0 ҳисобида устун келишди. Хин-дистон — Янги Зеландия хо-мондалари учрашувида 3:2 ҳи-соби қайд қилинди. Шундай қилиб, совет терема командаси Москва Олимпиадасининг чемпи-онлари — Хиндистон хоней-чилари билан 5:6 ўринлар учун сўнги учрашуни ўтказадиган бўлди.

↓ ХОКНЕЙ. «Известия» га-летаси соврини учун ўтказил-ган халқаро турнир неларинда мамлакат чемпионати ўйинла-ри вақтинча тўхтатилган эди. «Кимки» — «Ириль Советов» (4:5) учрашуви билан чемпио-нат мусобақалари яна йўлга қўйилди.

↓ ШАХМАТ. Жаҳон исч-че-лонни М. Таль ГФРда ўтказил-ган халқаро турнирда муваф-фақият қозонди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

### РАДИО

### БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Ўзбек давлат филармонияси солистарларининг концерти. — Совет давлат хушуд асо-ларни. 13.10 — Шахмат ма-наби: 14.10 — А. С. Пушкин таътири. 14.30 — 14.55 — Зоология. 15.20 — География. 15.50 — А. Фет лириаси. 16.20 — Зоология. 16.50 — Янгилликлар. 17.30 — Совет давлат филар-монияси солистарларининг кон-церти. 23.15 — Лирин кон-церти.

### Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ профессор-ўқитувчилар ташкилоти вакил вакиллари катта кўрали бўйича

### КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: машинасозлик технологияси, доини сайлаш ва қайта ишлаш технологияси, умумий оқитишни технологияси ва уни ташкил этиш, санаят ва граждон билонлар архи-тектураси; доцентлар: доини сайлаш ва қайта ишлаш технологияси (2 ўрин), нов пишириш технологияси, ноидитер ва макарон ишлаб чиқаришни, илмий коммунизм (педагогика курси бўйича), умумий оқитишни технологияси ва уни ташкил этиш, умумий химия (аналитик химия курси бўйича), машинасозлик технологияси, сиёсий иқтисод. Катта ўқитувчилар: умумий оқитишни технологияси ва уни ташкил этиш, оқитишни физиологияси, озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёни, аппаратлари ва уни ав-томатлаштириш (3), турничилик ва ишлов хўжалиги машиналарини лойиҳалаш асослари, озиқ-овқат товарлари са-новати экономикаси, уни ташкил этиш ва планлаштириш; амалий математика (2), материаллар қаршилик, умумий химия, олий математика (3), умумий теплотехника, ис-сирлик-газ таъминоти ва вентиляция, сиёсий иқтисод, рус тили, инглиз тили, нов пишириш технологияси, кондитер ва макарон ишлаб чиқаришни; умумий физика, жисмоний тарбия, турничилик, тиқув буюмлари технологияси, автоматлашти-рилган электор сипарди, чилик теорияси ва таъиниши. ўқитувчилар: рус тили (3), жисмоний тарбия (2), матери-аллар қаршилик, назарий механика (2), умумий электротех-ника, умумий оқитишни технологияси ва уни ташкил этиш, графика ва санаят билонлар архитектуруси, куршил кон-струциялари, тиқув буюмлари технологияси, турничилик, ишлаб чиқариш ва санаят инжиниеринг ҳамда уни ташкил этиш ва планлаштириш; геология, машиналар ҳамда кураш машиналарини деталлари, умумий физика, илмий коммунизм, педагогика, совет хушуд асослари, гидравлика, сув таъминоти ва навалация; амалий математика, озиқ-овқат ишлаб чи-қариш жараёни ва аппаратлари. Конкурс мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Муросаат учун адрес: Бухоро шаҳри, Ленин номидаги проспекти, қадрлар бўлими.

### Узбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат комитетининг ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ДОСТЛИК ОРДЕНИ ВАВАЛЕРИ 57-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМИ ЮРТИ куйндаги иктиссонилар бўйича

### ҚУШИМЧА

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кабель ишлаб чиқаришни электромончи, электр ускуналар-и ремонти бўйича слесарь-ремонтчи, электромонтер. Уқиш мuddати — 6 оч. Билим юртига 23 йилга бўлган ва Совет Армияси сафлар-идан запасга бўшатилаган шилар қабул қилинади. Руханавтар ўқиш даврида оқига 70 сум стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан мой берила-ди. Уқиш мuddати меҳнат станига ишўиб ҳисобланади. Билим юртида спорт соқиллари ва бадий хавасорлик тў-гараклари ишлаб турибди. Машгулотлар группаларининг комплектланшига йўра бош-ланади. Билим юртига ўқишга кириш учун куйндаги хўжикатлар неара: арива, маълумоти тўғрисида сувохнома, паспорт ва ҳарбий билет, саломатлиги тўғрисида справка, 6 та фотосу-рат (3х4 см.). Визинг адрес: 700184, Тошкент шаҳри, «Исвонсевот» мас-сиви, 3-сектор (4-автотбусинг «7-полиция» бекати; 18, троллейбус, 13, 22-трамвайларинг «Маншн хизмат уйи» бе-кати).

### Тошкент Шаҳридаги 8-ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ-РЕМОНТ ЗАВОДИ

(700015, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 18-уй) 1982 йилнинг 1-январлида МУНИЦИПАЛЬ, НОМИЛЬ ЭЪБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 371 да Хизматингизга тай-ярми.

### Театр

«Ўқитувчи» наشريети кол-лективни наشريети иктиссонил-тарихий адабиётлар редакцияси-нинг редактори М. Умаровага отаси Юнус ОДИЛОВнинг вафот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор қи-лади.